Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2012 йил 7 сентябрь ● № 37 (902)

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

*Ифтихор*

## БАХТЛИ ТАҚДИРЛАРГА ОШЁН БУ ВАТАН

***Йигирма бир йил. Мустақил Ўзбекистон учун тарихан қисқа, моҳиятан асрларга тенг давр. Зеро, ушбу йиллар бизга эрк ва ҳурриятни тақдим этди. Ўзлигимиз, шон-шуҳратимиз, миллий қадриятларимизга, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлдик.***

Муҳими, дунёнинг энг ривожланган ва тараққий этган илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилган мамлакатимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар жаҳоннинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, кўзга кўринган сиёсатчилари, ҳуқуқшунос ва экспертлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Бу, муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликка эришган илк йилларимизданоқ, ривожланишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлининг тўғри ва оқилона танланганидан далолатдир. Шу боис, бугун тараққиётнинг “ўзбек модели” деб аталаётган мазкур йўлдан қатъий ва оғишмай олға интилганимиз ўз самараларини бераётганини нафақат биз, балки бутун жаҳон афкор оммаси кўриб, билиб, ҳис этиб, тан олиб, қойил қолмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озод ва эркин ҳаёт саҳифасини очиб берган истиқлол бизга беқиёс имкониятларни ҳадя этди. Бу давр мобайнида фуқароларимизнинг фаровонлиги, турмуш тарзи йил сайин ошиб борди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, чирой очиб, барча жабҳаларда асрларга мензагулик ютуқларга эришдик.

Бизнинг озод ва обод ўлкада ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон, унинг бахт-саодати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, деган ҳаётий тамойил кундалик турмушимизда устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Зотан, Бош Қомусимиз ҳисобланмиш Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Ана шу олий қадрият қабул қилинаётган барча қонунларимизда ҳам ўз аксини топаётгани, миллий қонунчилигимиз тизимининг моҳиятини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, унинг манфаатларини рўёбга чиқариш ташкил этаётгани ҳам кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил бораётганимиз далолатидир.

Бинобарин, ҳозирги глобаллашув жараёнларида бутун дунё бўйлаб давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз, турли хил табиий офатлар туфайли аксарият давлатлар аҳолисининг кўнглига қил сиғмай турган мураккаб бир шароитда юртимизда эришилаётган улкан ютуқлар, хусусан, халқимиз турмуш даражасининг тобора юксалиб бораётгани, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш

**(Давоми 2-бетда).**

*Признание*

## ВЫСОКАЯ НАГРАДА – ЗА ДОСТОЙНЫЙ ТРУД

***На снимке: кавалер ордена «Эл-юрт хурмати», главный врач клиники Ташкентского педиатрического медицинского института Гульрано Усманова.***

Более трети века посвятила лечению детей заслуженный работник здравоохранения Узбекистана, главный врач клиники Ташкентского педиатрического медицинского института Гульрано Усманова.

Руководимая ею лечебница расположена в просторных и уютных корпусах, оснащена самым современным оборудованием. Только в прошлом году медицинская помощь была оказана более ста тысячам детей со всех концов нашей страны.

В клинике трудятся более 200 высококвалифицированных врачей. В сложных случаях их консультируют сотрудники 12 кафедр института, ежедневно здесь проходят практику более 800 студентов.

Немало забот у руководителя главной детской больницы страны, но она вкладывает в порученное ей дело всё свое умение и душу. И поэтому возглавляемая ею клиника сегодня одна из лучших в нашей стране.

Родина высоко оценила её самоотверженный труд, накануне 21-й годовщины независимости нашей страны указом Президента Ислама Каримова Г. Усманова награждена орденом «Эл-юрт хурмати».

**Рустам ШАГАЕВ, УзА.**

*Эътироф*

**СУРАТДА:** *тажрибали хирург Муқим Ўрақов шогирдлари билан операция жараёнида.*

## ТИББИЁТГА БАХШИДА УМР

***Тиббиётимиз равнақини юксалтиришда, қолаверса, инсонлар саломатлигини муҳофаза қилишда бутун умрини шу соҳага бахшида этган мутахассислар борки, улар меҳнатдан ҳеч қачон чарчамайдилар. Ана шундай инсонлардан бири, камтарин, самимий ва ўз касбининг моҳир устаси, тажрибали хирург Муқим Ўрақов кўп йиллардан буён Қашқадарё вилояти Қамаши туман тиббиёт бирлашмасининг хирургия бўлимида фаолият юритиб келмоқда.***

Фидойи ва жонкуяр хирург инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга, кўплаб шогирдлар етказмоқда. М. Ўрақовнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан қадрланиб, бундан бир неча йил олдин “Шуҳрат” медалига сазовор бўлган эди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан М. Ўрақов “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди. Албатта, давлатимизнинг бундай юксак мукофотлари, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, толеини Ватан ва миллат, халқ тақдири билан боғлайдиган юртпарвар ва инсонпарвар кишиларгагина берилади. Шундай экан, мамлакатимизда ўзининг фидокорона меҳнати билан юрт равнақига ҳисса қўшиб келаётган тиббиёт ходимларимизнинг ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлишлари ҳам Юртбошимизнинг тиббиёт тизимига эътибор ва ғамхўрликларининг ёрқин ифодасидир. “Эл-юрт ҳурмати” орденига сазовор бўлган, халқимиз назарга тушган тажрибали хирург М. Ўрақовни ушбу мукофот билан самимий қутлаб, аҳоли саломатлиги йўлидаги ишларига омадлар тилаб қоламиз.

**Ибодат СОАТОВА.**

*Ифтихор*

# БАХТЛИ ТАҚДИРЛАРГА ОШЁН БУ ВАТАН

суръатлари таъминланаётгани, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги мутлақо янгича йўналишлар бутун жаҳон жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлаётгани қалбимизда ғурур ва ифтихор уйғотиши табиий.

Чиндан ҳам, Буюк Мустақиллик боис тенглар ичра тенг бўлдик. Бугун Ўзбекистонга дўстона узанган қўллар, ҳавасли нигоҳлар бисёр. Албатта, бу дориламон кунларга осонликча эришганимиз йўқ. Йўлимизда учраган турли тўсиқ ва ғовлар, бизга ғараз кўз билан боқиб, тинчлигимизга раҳна солмоқчи, осойишта турмушимизни пароканда қилмоқчи бўлган кучларга қарши сабр-матонат, вазминлик билан кураш олиб борганимиз, танлаган йўлимиздан ортга қайтмаганимиз, халқимиз иродасининг букилмагани қўлга киритган салмоқли натижаларимизнинг асосий омилидир.

Бироқ, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфи ҳам борки, бу мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай экан, дунёни манфаатлар бошқараётган ҳозирги мураккаб шароитда ҳар биримиз жамиятнинг фаол аъзоси сифатида юртимизга, демакки, бизга бўладиган турли кўринишлардаги хуружларга ҳушёр ва огоҳ туришимиз лозим. Зеро, жонажон Ватанимиз, мустақил диёримиз хавфсизлиги бизнинг хавфсизлигимиздир. Бунинг учун юз бераётган воқеа-ҳодисаларга теран кўз, холис нигоҳ билан баҳо бера олиш, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш учун халқаро миқёсда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимо хабардор бўлиб боришимиз зарур. Айни пайтда дунёдаги мураккаб вазиятни кузатсак, мустақил давлатларга демократияни экспорт қилиш васвасаси, ҳарбий-лаштириш йўлидаги уриниш, антиглобализм, фашизм, диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро терроризм, гиёҳвандлик ва одам савдоси, ахборот хуружи каби ғайриинсоний ғоялар халқаро ҳамжамиятни жиддий ташвишга солаётганига гувоҳ бўламиз.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Энг ёмони, бундай таҳдид ва тажовуз ортида турган қора кучлар ўз хатти-ҳаракатларини ялтироқ ғоялар, дунёга “демократия”ни ёйиш, жаҳон халқларига “бахт-иқбол”, “эркинлик” бериш, “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”дек муқаддас тушунчалар ниқобига ўраб олган. Масаланинг яна бир жиҳати, улар жаҳон афкор оммаси тасаввуридан глобаллашув жараёнида дунё халқлари орасидаги тафовут пардаларини сидириб ташлашга уринишмоқда.

Халқимизда пурмаъно бир нақл бор: “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр”. Ҳа, атрофимизга боқсак, ҳаётнинг гўзаллигини, дунё ободлигини кўра олмайдиганлар ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз. Айрим манфур кимсаларнинг мақсади, қай бир давлатда бўлмасин, ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятдаги бунёдкорлик муҳитини, барпо этилаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора ривожланаётган давлатни ағдариш, тўғри йўлдан қайтаришга қаратилган. Халқнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртда, минтақада ўз манфаати, сиёсатини ўтказиш уларнинг асосий муддаосидир.

Дунёда ўзбек халқидек меҳмондўст, бағрикенг, ҳотам ва танти элни топиш мушкул. Биз азал-азалдан борини меҳмонга тортиқ этадиган миллатмиз. Шу маънода, Ўзбекистонга дўстлик назари билан боқиб, ўзаро тенг ҳуқуқ ва манфаатлар истагида қўл чўзганларга эшикларимиз доимо очиқ. Аммо, мустақил юртимизнинг тараққиётидан кўксига олов тушаётган айрим кимсалар юзига ниқоб тортиб, ўзга мақсадларда бизга “дўстлик” қўлини чўзиши, ичимизга кириб олганидан сўнг асл башарасини намоён қилишидан ҳар лаҳза, ҳар он огоҳ бўлишимиз даркор.

Зеро, янги ҳаётимизнинг йигирма бир йиллик қисқа тарихида ана шундай ҳолатларга ҳам кўп бора дуч келдик ва олиб борилган вазмин сиёсат туфайли муаммолар оқилона ечим топди.

Бугун бизнинг халқаро муносабатлардаги фаол ташқи сиёсатимизнинг асоси – Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидир. Ана шу манфаатларни рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай давлат билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва тинчликпарвар ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кучайтириш пировард мақсадимиздир.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида доимо тинчлик тарафдори бўлиб келган ҳамда турли хил низоларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида қатор эътиборга молик ташаббусларни дунёнинг нуфузли манбарларидан туриб эълон қилган. Ана шу тинчликпарвар сиёсат бундан буён ҳам изчил давом этаверади. Зеро, осойишта ва осуда элга байрамлар ярашади. Юртимизда ҳукм сураётган ана шундай барқарор тинчлик, бунёдкорлик, яратиш ва яшнатиш завқи боис кўнглимизга байрамлар сиғади.

Бугун биз барча соҳаларда қўлга киритаётган залворли муваффақиятлар, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётгани миллий истиқлолимизнинг навқирон санасини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан қарши олишимизда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, байрам тантаналарида ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ҳамда халқаро жамоатчиликка етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш доимо эътибор марказида бўлади

“Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!” шиори остида республикамиз бўйлаб ўзгача шоду хуррамлик билан нишонланаётган байрам тантаналари кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда, расмиятчилик ва баландпарвозлик кўринишларидан ҳоли тарзда ўтаётгани мустақилликнинг нақадар улуғ инъом эканлигини яна бир бор кўз ўнгимизда намоён қилмоқда.

Яна шуни алоҳида эътироф этиш жоиз, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, илгари сурилган ғоялар ва фикр-мулоҳазалар, қонунчилик ташаббуслари, энг аввало, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг бунданда фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни тараққий этган илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш мезонларига таянади.

Таъбир жоиз бўлса, мазкур Концепция йигирма бир ёшини қарши олаётган навқирон Ўзбекистон келажагини мутлақо янги тараққиёт босқичларига олиб чиқувчи юксак тарихий аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда баён этилган қоидаларни ҳаётга жорий этиш, таклиф этилган қонунларни амалиётга киритиш мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган мустақил давлат сифатидаги обрў-эътиборининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Бинобарин, биз учун жонажон Ватанимизнинг миллий манфаатлари ҳар нарсадан устун экан, бу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликда изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширсак, кўзлаган дастурий ва стратегик мақсадларимизга албатта эришамиз.**

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

*Соғлом турмуш тарзи*

# ТИББИЙ ТАРҒИБОТНИ КУЧАЙТИРИБ...

***Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган вилояти филиали ходимлари томонидан аҳоли саломатлигини сақлаш, турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Амалдаги фаолиятлар тўғрисида филиал директори Ирода Анваровна Мусаева қуйидагиларни гапириб ўтди.***

– Айтиш муҳимки, кейинги йилларда давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган эътибор боис, соҳанинг барча йўналишида фаолиятлар изчиллик билан олиб борилишига катта замин яратилмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг соғлом турмуш тарзи бўйича муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган асосий мақсадлари ҳар бир тиббиёт ходимини янада масъулият билан ишлашга ундамоқда. Шундай экан, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги фармони бажарилишини таъминлаш, вилоятда аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний бақувват, руҳан тетик, интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиришга йўналтирилган комплекс профилактик ўқув ва тарғибот чора-тадбирларини амалга оширишда нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Филиал таркибига соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ўқитиш, тиббий статистика, ташкилий-услубий, социологик тадқиқотлар мониторинги ҳамда ахборот-ресурс маркази, кутубхона, ҳисобхона ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, бўлимлар қошида ва жойларда сайёр ўқувлар ташкил этилган. Барча туман саломатлик марказларида тарғибот-тушунтириш ишлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар намунали йўлга қўйилган. Мустаҳкам оила йили муносабати билан тез-тез ўтказиб келинаётган “Соғломлаштириш ҳафталиклари”, миллий эмлаш тадбирларида ҳам ходимларимиз фаол иштирок этиб, тарғибот ишларини кучайтирмоқдалар.

Бунинг баробарида жамоамиз ходимлари маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан биргаликда мактаб, ўқув муассасалари педагоглари иштирокида ёшлар, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи бўйича семинар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб келмоқдалар. Олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар келажагимиз бўлган фарзандларимизни зарарли одатлардан сақлашга, шунингдек, ўз соғликларига бўлган эътиборларини янада кучайтиришларида асосий омил бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрлар эзгу ниятларга қаратилган экан, бу бордаги изчил фаолиятларда ҳар биримиз жиддий ёндошган ҳолда тарғибот ишларини кучайтиришимиз муҳимдир.

**Рустамали МАМАДАЛИЕВ**
**ёзиб олди.**

*Дил изҳори*

# РАҲМАТ СИЗГА АЗИЗ ШИФОКОРЛАР

Президентимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биздек ногиронларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликларидан ғоят миннатдормиз. Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли И. Эргашев номидаги 4-сонли клиник шифохонанинг кардиология бўлимида даволаниб чиқдик. Айниқса, у ердаги соғлом муҳит, тиббиёт ходимларининг билим ва тажриба ҳамда хушмуомаласи дарддан тезда фориғ бўлишимизда катта ёрдам берди. Оиламиз бағрига соғ-саломат қайтишимизда биздан ўз меҳнатини аямаган шифохона бош врачи Ҳусниддин Қутбиддинович, кардиология бўлими бошлиғи Аҳрор Ҳамроев, бош шифокор ўринбосари Мукаррам Муҳамедова, бўлим катта ҳамшираси Зулфия Алимовна, даволовчи шифокор Шаҳзодахон Рахметовалар ҳамда барча ходимларга миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Уларнинг машаққатли, аммо масъулиятли касбларига омадлар тилаб қоламиз.

**Эркин ШАРИФХЎЖАЕВ,**
**Вазира МУҲАМЕДОВА,**
**I ва II гуруҳ ногиронлари,**
**Тошкент шаҳри.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Долзарб мавзу*

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

***Фахр билан айтишимиз жоизки, аввало бағрикенг, жаннатмакон, серқуёш Ўзбекистонимизда яшаб, жамият тараққиёти ва Ватан равнақи учун хизмат қилаётганлигимиздан мамнунмиз. Юртимиз тинчлиги ва турмушимиз фаровонлиги, қолаверса, келажак авлодларимиз учун қанчалар меҳнат қилсак арзийди. Шундай экан, юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида айтиш муҳимки, Президентимиз фарзандларимизнинг эртанги келажаги учун керакли шароит ва имкониятларни яратиб бераётганликлари ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганликлари ота-она қалбидаги орзу ва умидларни рўёбга чиқараётган уммон десак, янглишмаган бўламиз.***

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзининг интеллектуал салоҳияти ва ноёб истеъдоди билан нафақат юртимиз, балки хорижий давлатларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, юксак чўққиларга эришаётган фарзандларимиз сонини санасак, саноғига етмаймиз. Бу албатта, ҳар биримиз учун фахр ва ғурурдир. Бугунги мақоламизнинг мазмун ва моҳияти шундан иборатки, айрим ёшлар ўртасида кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби зарарли одатларнинг ортиб бораётганлиги тўғрисида фикр юритиб, ушбу жирканч иллатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган ҳолатлар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Инсон боласи дунёга келиб, ўзи туғилиб ўсган муҳитнинг маҳсули сифатида биринчи навбатда, ана шу ижтимоий муҳитда олдиндан шаклланган ва аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган соғлом ва шу билан бирга, носоғлом меъёрларни ҳам ўзлаштириб боради. Натижада, болада ўзига хос характер, дунёқараш шаклланади. Биз, одатда, кўп нарсаларни тўғри қабул қилишга ўрганиб қолганмиз, баъзида эса ушбу ҳолат ёки одатга мослашамиз. Аслида бунинг умуман нотўғри эканлигига, фақатгина бирон-бир касалликка чалиниб, унинг сабабларини аниқлаб, тушуниб олганимиздан кейингина амин бўламиз ва афсуслар чекамиз. Одамда касаллик ўз-ўзидан ёки тўсатдан пайдо бўлмайди. Аввало, касаллик шаклланишида зарарли одатлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби зарарли одатлар тўғрисида маълумот беришни жоиз деб билдик.

**Кашандалик**

Кашандалик ўта зарарли одат эканлигини, у турли касалликларга олиб келиши мумкинлигини яхши биламиз. Статистик маълумотларга қараганда, гиёҳванд бир йилда ўртача уч нафар кишини гиёҳвандликка ўргатар экан. Қизиқ, тамаки чекувчи бир йилда неча кишини ёки балоғат ёшига етмаганларнинг қанчасини чекишга ўргатар экан? Чекувчидан: «Сиз қачон ва нега чекишни ўргангансиз?», деб сўралса, биронтасида ҳам жиддий сабаб йўқлиги аён бўлади.

Одатда улар «ҳазил-ҳазил билан ўрганиб қолдим», «дўстларим чекади, мен ҳам чекаман», «талабалик йилларида ўрганганман», «уйда отам, акаларимдан кўриб ўргандим» каби баҳоналарни айтишлари мумкин. Агар юқоридагиларни таҳлил қиладиган бўлсак, болаларда шаклланаётган бундай зарарли одатларга биз ҳам айбдормиз. Биринчидан, оилада боланинг ахлоқий тарбиясига эътибор сустлиги бўлса, иккинчидан, кейинги босқич мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида ҳам бунга жиддий аҳамият берилмаётганидир. Чека бошлаган бола биринчи навбатда, ўз ота-онаси, ўқитувчиси ва яқин кишиларини алдашни бошлайди, яъни чека туриб, чекмайман деб ишонтиради. Ҳеч қачон бола онасидан чекувчи бўлиб туғилмайди, аммо нофаол чекишга юқори даражадаги мойиллик билан дунёга келиши мумкин. Чунки, айрим статистик маълумотларга қараганда, ҳомиладор аёл тамаки чекиши билан сониялардан кейин, никотин қон орқали бола миясига зарар етказади, агар ҳомиладор аёл ёнида унинг турмуш ўртоғи чекса, узоғи билан 30 сониядан кейин никотин бола миясига етиб боради. Ушбу жараён мунтазам давом этадиган бўлса, биринчидан она қорнида энди шаклланаётган бола организмида ҳар хил салбий таъсирлар кузатилади, иккинчидан, бундай болаларда чекишга мойиллик даражаси жуда юқори бўлади ва олимларимиз бундай фарзандларни нофаол чекувчилар деб атайдилар. Табиийки, шундай болаларда иммун хусусиятлари пасайиб, унинг иштаҳаси бўғилиб, ҳар хил касалликларга олиб келади. Оилада бола тарбиясига бўлган эътиборсизлик туфайли боланинг ушбу иллатга боғланиб қолиш имкониятлари янада ошади. Статистик маълумотларга кўра, болалар чекишни асосан балоғат ёшига етганда, шунингдек, кўпроқ дўстлари билан мулоқотга кириша бошлаган даврларда орттириб оладилар. Бу даврда ота-онанинг фарзандга нисбатан назорати анча сусаяди. Чунки, бола мустақил ҳаётга қадам қўйиб, мактаб ва ўқув юртларида янги танишлар орттириб, улар билан кўпроқ мулоқотда бўлади. Унинг натижасида айрим салбий ҳолатларга дуч келиб, шу жумладан, чекишни ҳам ўзлаштириб олишлари мумкин.

Агар ҳар йили ер куррасида чекувчилар 0,5 миллионга кўпайиши ҳисобга олинса, бу бутун бир жамиятнинг фожиаси десак муболаға бўлмайди. Никотин организмга тушганидан кейин қон томирларни торайтириб, бу ҳолат бир соат давом этади. Чекувчининг хотираси пасайиб, нафас йўлларида ҳар хил ўзгариш ва яллиғланишлар пайдо бўлиб йўталади ҳамда нафас олиши қийинлашади, иштаҳаси бўғилиб, нафас сиқиш аломатлари юзага келади.

Олимлар томонидан ўтказилган илмий-тадқиқотларга кўра 1 та тамаки чеккан одам катта автомобиль йўлида 16 соат давомида туриб, улардан чиқаётган тутунни қабул қилган билан баравар экан. Тамаки таркибидаги азот боғламлари, кадмий, никель каби моддалар иммун тизимига салбий таъсир қилади, жигар, мия ва қонга зарар етказади ва рак тўқималари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, 95 фоиз нафас йўллари билан касалланганлар чекувчилар ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги аниқланган шахсларнинг 98 фоизи чекувчилар экан. Тамаки тутуни асоратлари нафақат нафас аъзолари, балки организмда мавжуд барча орган ва тизимларда пайдо бўлиши мумкин. Шундай экан, бировларга тақлид, ҳавас қилиб чекишни бошлаган ўсмирларда маълум вақт ўтгач, бу иллат доимий одатга айланиб қолади. Узоқ йиллар чекиш натижасида бу одат организмга аста-секинлик билан салбий таъсир этиб, охир-оқибат ўлимга ҳам олиб келиши табиий.

**Ичкиликбозлик**

Одамлар орасида кенг тарқалган яна бир салбий одат бу ичкиликбозликдир. Ичкиликбозлик қачон ва қай тарзда шаклланади?

Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бирон-бир байрам, шодиёна кунлар, тўю томошалар, яқин дўстлар учрашуви, туғилган кунлар спиртли ичимликларсиз ўтказилмаслигининг гувоҳи бўламиз. Демак, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш турмуш тарзимизнинг бир қисмига айланиб улгурганини тан олмасдан иложимиз ҳам йўқ. Бундай жараёнлар ўсмир ёшларимизга қандай таъсир қилмоқда. Шу тўғрида ўйлаб ҳам ўтирмай спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ёшларимиз, ҳатто кейинги пайтларда аёлларимиз ўртасида ҳам кенг тарқалиб бормоқда. Баъзида ёшларимизнинг никоҳ тўйларида, никоҳдан ўтиш жараёнларида кўчаларни тўлдириб, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасликдан ташқари, бир машинадан иккинчисига спиртли ичимликлар ўтказиш, ҳатто бир-бирлари билан уриштириб ичиш ҳолатларини кўрсакда, эътибор бермаймиз. Айрим ота-оналар фарзандларини ниҳоятда эркалаб, хоҳлаганча пул берадилар, вақт ўтиши билан болада ўқиш ва билим олишга қизиқиш қолмайди, касб-ҳунар ўрганишга истак-хоҳиш кун-сайин сусайиб боради, ота-онадан пул талаб қилиш одат тусига киради. Энди у атрофига ўзига яраша дўстларни тўплайди, бекорчиликдан ичкиликбозлик, маишатбозлик ва бошқа турли зарарли одатларни ўзлаштириб, оқибатда жамият учун ҳар томонлама носоғлом шахс бўлиб етишади. Демак, ёшларимизда ичкиликбозликнинг шаклланишида энг асосий омил – бу шахсий фаолият кўрсатаётган муҳит ҳисобланади. Бу муҳитга: оила, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти ёки меҳнат жамоалари кириши мумкин. Ичкиликбозликка қарши курашишнинг энг асосий усулларидан бири болаларни спиртли ичимлик ва унинг соғлиққа етказадиган зарари тўғрисида доимий тушунтириш ишлари олиб боришдан иборатдир. Японларда шундай мақол борки, унда: «Мастлик олтита бахтсизлик, яъни муҳтожлик, жанжал, касаллик, обрўсизлик, шармандалик ва ақлсизлик келтиради», дейилган. Спиртли ичимликларни узоқ вақтгача мунтазам ичиб юриш кишини алкоголизм касаллигига дучор қилади. Текширишлар шуни кўрсатдики, ҳатто юз грамм спиртли ичимлик соғлом кишининг бош мия фаолиятини бирдан ўзгартириб юборар экан. Маълумотларга қараганда, психоневрологик диспансерларга мурожаат қилувчи руҳий касалликларга дучор бўлганларнинг энг кўпи алкоголизмга мубтало кишилардир. Ичкиликка ўрганган ўсмирнинг вужуди секин-асталик билан заҳарлана бошлайди. Кейинчалик эса бундай киши ичмасдан тура олмайдиган бўлиб қолади ҳамда унда асаб бузилиши, таъсирчанлик ва жаҳлдор ҳолатлар кузатилади. Шунингдек, алкоголизм натижасида миянинг иш қобилияти аста-секин пасайиб, фикрлаши қийинлашиб, сержаҳллик, уйқунинг бузилиши, масъулиятсизлик, бошқаларга, ҳатто, ўзига ишонмаслик, толиқиш, умумий ҳолсизлик аломатлари пайдо бўлади. Агар ушбу касалликнинг олди олинмаса, асаб тизими бутунлай бузилиб, руҳий ҳолати ўзгаради.

**Ичкиликбозлик натижасида қуйидаги оғир асоратлар келиб чиқади, жумладан:** ошқозон-ичак хасталиклари, бош мия, руҳий ҳолатнинг бузилиши, жигар хасталиклари, юрак қон-томир тизими касалликлари (инфаркт, қон босими ошиши), келажакда улардан туғилажак фарзандларнинг ирсий касалликлар билан туғилиш эҳтимоли юқори (болалар туғма нуқсонлар билан дунёга келади), умр кўриш давомийлиги ичмайдиганларга нисбатан камида 10 йилга қисқаради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилларида одамнинг нобуд бўлиши билан боғлиқ ҳолатларнинг тўртдан бири бевосита спиртли ичимликларни истеъмол қилиш оқибатида юзага келаётгани аниқланган. Ачинарлиси шундаки, мастлик оқибатида ҳаётдан кўз юмаётганлар орасида ёш ўғил ва қизларнинг борлиги ачинарли ҳолдир. Шу боисдан ЖССТ бугунги кунда спиртли ичимликларни психотроп моддалар рўйхатига киритган. Негаки, бу иллат кўпгина оғир касалликларни келтириб чиқариши баробарида, болаларнинг ногирон туғилишига сабаб бўлиши исботланган.

Ана шундай зарарли одатлар қаторида нос чекадиганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Табиийки, носни кўпроқ ўғил болалар чекадилар, аёллар орасида эса 40-45 ёшдан ошгандан кейин бу зарарли одатга ружу қўйганларни учратишимиз мумкин. Кўп ҳолларда катталар болаларга пул бериб нос олиб келишни буюрадилар. Бу албатта, болада қизиқиш уйғотиб, демак, бу керакли нарса экан, дея уни яширин равишда аста-секин чека бошлайди. Нос одатда тил тагига ташланади ва бир неча дақиқа ушлаб турилгандан сўнг туфланади. Носнинг соғлигимизга келтирадиган зарарига тўхталадиган бўлсак, у марказий асаб тизими, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш, ички секреция безларига таъсир қилиб, жуда кўплаб хасталикларни келтириб чиқаришидан ташқари, организмни тез қаритади, милкларга таъсир қилиши натижасида уларни чиритиб, тишларнинг тушиб кетишига олиб келади.

**Гиёҳвандлик – аср вабоси**

Гиёҳвандлик деганда – инсон организмининг наркотик ва психотроп моддаларнинг муттасил равишда ошиб борувчи миқдорини қабул қилишга мойиллик шаклланиши билан боғлиқ оғир касалликлар тушунилади.

Гиёҳвандлик – кайф берувчи гиёҳванд ёки сунъий равишда тайёрланган моддаларни истеъмол қилиш, чекиш, ҳидлаш, танага суртиш ёки игна санчиш (инъекция) йўли билан қон томирларга юбориш билан ифодаланади. Гиёҳванд моддаларнинг аянчли хусусияти шундан иборатки, уларни бир марта татиб кўрган шахс қайта истеъмол қилишга мойил бўлади. Гиёҳванд моддаларга афюн, морфин, наша, кокаин, кодеин, героин, гашиш ва бошқа сунъий тайёрланадиган заҳарли моддалар киради. Бу моддаларни узлуксиз қабул қилиш одамларда руҳий ва жисмоний ўзгаришларни келтириб чиқаради.

**Руҳий ўзгаришлар:** гиёҳванд модда қабул қилган шахсда уйқусизлик, хотира пасайиши, бош оғриғи, асабийлашиш ва кайфият бузилиши, жаҳл тез чиқиши, чарчаш, фикр тарқоқлиги ва бошқа асаб тизимидаги ўзгаришлар, ўзи билан ўзи гаплашиш, алаҳсираш ҳамда ўқишга лаёқатсиз бўлиб қолиш аломатлари кузатилади.

**Соматик ўзгаришлар:** қайт қилиш, ҳазм тизими бузилиши, нафас қисилиши, юрак безовталиги бошланиб, хумор пайтида мушаклар сиқиши туфайли бемор ғужанак бўлиб, суяклари қақшаб оғрийди ҳамда руҳий ўзгаришлар юзага келади. Натижада моддий ва маънавий қашшоқлик туфайли руҳий хасталикка чалинади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, гиёҳванд шахслардан дунёга келаётган фарзанд албатта, ақли заиф, юраги носоғлом, ногирон ва чала туғилади. Туғилгандан кейин ҳам бу чақалоқларнинг илк дамлари оғир бўлади ёки узоқ яшамайди.

Кўплаб ёшларимиз гиёҳвандлик, тамаки чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилишдек жамият учун ҳам, ўз саломатликлари учун ҳам ўта хавфли бўлган зарарли одатлар оғушига берилиб, номаълум ва бемор шахслар билан жинсий алоқада бўлиши оқибатида ҳар хил тери-таносил касалликлари, ОИТС – орттирилган иммун танқислиги синдроми каби юқумли ва хавфли касалликларга чалиниш ҳоллари учраётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Кейинги йилларда болалар ўртасида зарарли одатга айланиб бораётган иллатлардан яна бири бу – ҳар хил сақичларни чайнашдир. Баъзи ҳолларда бу шундай одат тусига кирганки, эрталаб тонг отгандан то кеч уйқуга кетгунча тўхтамасдан чайнайдилар. Жамоат жойларида ва ҳатто дарс жараёнида ҳам бу ҳолатнинг кузатилиши жуда ачинарлидир. Тўғри сақич чайнаш оғиз бўшлиғи, тишларни маълум даражада тозалайди, аммо маълум вақтларда, яъни овқатдан сўнг озроқ вақт давомида чайналсагина бундай самарага эришиш мумкин. Сақични тўхтовсиз чайнаш эса инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Сақич чайнаб турилиши жараёнида ошқозонда муттасил шира ажрала бошлайди, аммо ошқозонга сўлакдан бошқа ҳеч қандай овқат тушмайди. Ошқозон шираси, одатда, ошқозонда моддаларни парчалашда фаол иштирок этади. Аммо ошқозонда овқат бўлмаса-чи, бундай ҳолларда ошқозон шираси ошқозон деворларига салбий таъсир кўрсатиб, уни емира бошлайди ва натижада овқат ҳазм қилиш тизимининг қатор касалликларини келтириб чиқаради.

**Хулоса ўрнида айтишимиз зарурки, ҳар бир нарсада меъёр бўлиб, унга амал қилиш саломатликни мустаҳкамлаш ва узоқ умр кўришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Юқоридаги зарарли одатлардан фарзандларимизни сақлаш ҳар биримиз, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифаларидан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.**

**Н. ҲАИТҚУЛОВА,**
**Тошкент вилояти бош наркологи.**

*(Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмаги остида тайёрланди).*

**Бизнинг расмий веб-сайтимизга ташриф буюринг: www.uzssgzt.uz**

*Соғлом турмуш тарзи*

# ЎҚУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Шунинг учун ота-оналар болаларининг компьютер билан мулоқотда бўлиш давомийлигини, албатта назорат қилиб туришлари, айниқса мулоқот ўсмирнинг ҳаётида катта роль ўйнаганида, ўқув-машғулотларига халақит қилганида, дам олиш ва уйқу вақтини олаётганида муҳимдир. Соғлом ҳаёт тарзининг энг муҳим жиҳати, организмнинг ҳаракатга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Бола ёки ўсмир унинг ёшига мос келадиган ҳаракат фаоллиги бўлган шароитдагина нормал ривожланади.

Тана оғирлиги кўпайиши сабабли нормал жисмоний ривожланишнинг бузилиши – гипокинезия (камҳаракатлилик) оқибати бўлиши мумкин. Жисмоний ҳаракатларда бола тез толиқиб қолади, моддалар алмашинуви ва юрак фаолиятининг бошқарилиши издан чиқади, касалликларга чидамлилиги пасаяди. Врачлар гипокинезия болаларга тобора кўпроқ таҳдид солаётганидан ташвишдалар. Азал-азалдан серҳаракат ўйинларга сарфланадиган вақтнинг кўп қисмини – телевизор ва компьютер эгаллаб олмоқда. Турли хил жисмоний машқларга (жисмоний тарбия дарслари, бадантарбия, спорт машғулотлари, уйда жисмоний меҳнат) қиз болалар ҳафтасига 5-12 соат, ўғил болалар кам деганда 3-15 соат ажратишлари керак. Мактаб ўқувчилари ҳар куни камида 2-3 соат соф ҳавода бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Зўриқиш билан ўтган ўқув кунидан сўнг, мактаб ўқувчисига тўлақонли уйқу зарур. Уйқу организмдаги барча тизимларни тўлалигича функционал тикланишини таъминлайди. Турли ёшдаги болаларнинг уйқуга бўлган физиологик эҳтиёжи, уларнинг асаб тизими ва саломатлик ҳолатининг хусусиятларига боғлиқ бўлади (1.3-жадвал).

*1.3-жадвал*

**Болалардаги уйқунинг давомийлиги**

| Ёши | Уйқунинг давомийлиги (соатда) | | |
|---|---|---|---|
| | Кундузги | Тунги | Йиғиндиси |
| 3-4 ёшгача | 2,15 | 10 | 12,15 |
| 4-5 ёшгача | 2,0 | 9,5 | 11,15 |
| 5-6 ёшгача | 1,45 | 9,45 | 11,3 |
| 6-7 ёшгача | 1,45 | 9,45 | 11,3 |
| 7-10 ёшгача | – | 10-11 | 10-11 |
| 10-12 ёшгача | – | 9-10 | 9-10 |
| 12-14 ёшгача | – | 9-9,5 | 9-9,5 |
| 14-17 ёшгача | – | 8-9 | 8-9 |

Мактабгача ёш даврида тун каби кундузги уйқу ҳам, бола мактабгача тарбия муассасасига қатнашидан, қисқа муддатли гуруҳда бўлиши ёки йўқлигидан қатъи назар, мажбурийдир. Бинобарин, мактабдаги таълимнинг бошланғич босқичида ақлий ва жисмоний юкламалар юқори бўлган шароитларда ҳам, шунингдек, 1-синф ўқувчилари учун кундузги уйқуни ташкил этиш зарур бўлади, бу эса таълимий жараёнга кўникишларнинг меъёрий кечишини таъминлаб берадиган омил саналади. Тўлақонли тунги уйқу мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб ўқувчилари учун муҳимдир, чунки айнан мана шу даврда ахборотларни қисқа муддатли (оператив) хотирадан узоқ муддатлисига ўтиши содир бўлади, бу эса ўқув фаолияти ва руҳий ривожланишни амалга ошириш учун зарур шартлардан бири ҳисобланади. Ёшга ва ўқув синфига боғлиқ ҳолда уйқуга кетиш вақтини 20:30 дан 22:30 гача бўлган вақт оралиғида белгилаш тавсия этилади. Уйқудан олдин очиқ ҳавода 30-40 дақиқа давомида сайр қилиш жуда фойдали.

Таътил даврида ва дам олиш кунлари очиқ ҳавода бўлиш вақтини ошириш лозим, бу пайтда ҳаракатли ўйин, спорт машғулоти, мусобақа, сайр, саёҳатлар ташкил этиш мумкин, кўпроқ вақтни ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига ажратиш зарур. Бу ўринда ота-оналарнинг диққат-эътиборини алоҳида жалб этиш муҳим саналади, негаки таътил вақтларида ҳам болаларда фаолиятнинг статик турлари (телекўрсатувлар томоша қилиш, компьютер билан машғулот ўтказиш) устунлик қилади.

Оқилона кун тартибига амал қилиш, болалар ва ўсмирларда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва яхшилаш, шунингдек, ўқув ва тарбиявий фаолият самарадорлиги ошишига кўмаклашади.

### БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИ

Овқатланиш ҳамда соғлом ўсиш болалар ва ўсмирлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Оқилона бўлмаган овқатланиш саломатликдаги бузилишларга олиб келади, бу эса ўз навбатида, овқатланиш ҳолати янада ёмонлашувига замин яратади. Соғлом бўлмаган овқат рациони Европа мамлакатларида барчани тобора кўпроқ ташвишга солмоқда. У мактаб ёшидаги болаларнинг семириб кетишига олиб келади ва юрак қон томир ҳамда бошқа тизимли касалликлар ҳаётнинг анча кечки босқичларида ривожланиш хавфини ошириб юборади. Семириб кетиш эпидемиясининг ортиб бориши саломатликнинг хавфли омилларидан бири ҳисобланиб, кўплаб мамлакатларда катта ташвишларни юзага келтирмоқда.

Кичик ёшдаги боланинг ривожланишида ота-онанинг ҳаётий услуби катта таъсир кўрсатади. Саломатлик билан боғлиқ, яъни чекиш ва жисмоний фаоллик, овқатланиш одатларининг ишга тушиши каби хулқ-атворларига нисбатан муносабатлар шаклана бошлайди.

Ўқувчиларнинг овқатланиши мазкур гуруҳдаги саломатлик ва ривожланишдаги асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ёшдаги болалар овқатланишни афзал кўришга бўлган интилишларини тобора кўпроқ намоён қиладилар ва ўзларининг овқатланиш рационларига нисбатан мустақил равишда ҳаракат қилишни бошлайдилар. Овқатланишнинг нотўғри одатлари кучая боради, натижада эса, одатдаги овқатланиш кун тартиби анча етук ёшда ҳам сақланиб қолади.

Ўсаётган мактаб ўқувчисининг организми учун миқдор ва сифат жиҳатидан етарли бўлган тўғри овқатланиш ғоят муҳимдир. Боланинг ёшига мувофиқ келадиган рационал овқатланиш, унинг пластик ва энергетик талабларини тўлиқ қондириши керак. Овқатнинг миқдор жиҳатидан етарли эмаслиги ва сифат жиҳатидан тўла қимматга эга бўлмаслиги, болаларнинг жисмоний ва асабий ривожига бир хил салбий таъсир қилади. Улар учун озиқ-овқат моддаларининг тўлиқ йиғиндисида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар ва витаминлар бўлиши зарур. Болаларда алмашинув жараёнларининг юқори интенсивлиги туфайли асосий алмашинувнинг катта одамлардагига қараганда 1,5-2 марта юқори бўлган даражадагиси қайд қилинади.

*1.4-жадвал*

**Мактаб ёшидаги болаларнинг оқсиллар, ёғлар ва калорияларга суткалик эҳтиёжи**

| Ёш йиллар ҳисобида | Оқсиллар (граммларда) | Ёғлар (граммларда) | Углеводлар (граммларда) | Калориялар (ккал) |
|---|---|---|---|---|
| | Ҳайвон оқсили | Ўсимлик ёғи | | |
| | Жами | Жами | | |
| 7-10 | 80,5 | 80,0 | 340,0 | 2400 |
| 11-13 | 92,0 | 90,0 | 390,0 | 2800 |
| 14-17 (қиз) | 90,0 | 90,0 | 380,0 | 2750 |
| 14-17 (ўғил) | 104,0 | 104,0 | 450,0 | 3100 |

**Оқсиллар.** Мактаб ўқувчилари овқатланишида оқсилларнинг аҳамияти беқиёс. Оқсиллар янги ҳужайралар ва тўқималарни яратиш учун зарур. Овқатда оқсил етишмаслиги ўсиш ва ривожланиш кечикиши, тана оғирлиги камайиши ҳамда юқумли касалликларга чидамлиликнинг пасайишига олиб келади. Ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар йиғиндисининг мавжудлиги туфайли гўшт, балиқ, тухум, сут ва сут маҳсулотларида бўладиган ҳайвонот оқсиллари энг юқори биологик қиймат ҳисобланади. Фақат оқсил етишмаслиги эмас, балки унинг кўплиги ҳам бола организмига нохуш таъсир қилиб, алмашинув жараёнлари ва буйраклар функцияси бузилишини келтириб чиқаради, аллергик касалликларга мойиллигини ошириб, асаб тизимининг қўзғалувчанлигини кучайтиради.

**Ёғлар.** Ёғлар болага зарур қувватнинг 30-40 фоизини таъминлаб, муҳим «қурилиш» материали ҳисобланади ва организмга ёғда эрувчан витаминлар тушиши жараёнида иштирок этади. Мактаб ўқувчиси овқатида енгил ҳазм бўладиган ҳайвонот ёғининг манбаи сариёғ ҳисобланиб (эҳтиёж суткасига 30-40 г.), унда эрувчан А ва Д витаминлари бўлади. Мактаб ўқувчиси рационига суткасига 15-20 г. миқдорда ўсимлик мойи ҳам киритилиши шарт. Ўсимлик мойи ҳайвонот мойидан фарқли равишда ўрнини алмаштириб бўлмайдиган моддалар, оқсиллар, витаминлар алмашинувида, ҳужайра таркиблари синтезида, иммунитет ишланишида, навқирон организмнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларида фаол қатнашуви ярим тўйинмаган ёғ кислоталарини сақлайди.

**Углеводлар.** Углеводлар бир кеча-кундузда организм учун зарур 50-60 фоиз энергияни таъминлаб берадиган, енгил ҳазм бўладиган асосий қувват манбаи саналади. Углеводларнинг асосий манбаи ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар: нон, макарон, ёрма, картошка, сабзавот ва мевалар ҳисобланади. Осон сингадиган қандлар, шунингдек, одатдаги шакар, асал, мураббо ва бошқа ширинликларда, ширин сабзавот ҳамда меваларда бўлади. Сут маҳсулотларида керакли углевод-лактоза сақланади.

Оқсиллар, ёғлар углеводларнинг овқат рационидаги нисбати 1:1:4 бўлганда организм томонидан жуда яхши ўзлаштирилади. Оқсил ва ёғ истеъмоли етарлича бўлмагани ҳолда, фақат углеводлар билан овқатлантириш ўсмирнинг умумий ривожланишини кечиктириб, организмга катта зиён келтиради. Овқат рационида углеводлар керагидан мўл бўлганда мушаклар тонуси пасаяди, тўқималар ғовак бўлиб қолади, тана вазни ошади, касалликларга бардош бериш пасаяди; бола тез-тез хасталикка чалинади, касалликлар оғирроқ ўтади ва аксарият ҳолларда асорат қолдиради.

**МИКРОНУТРИЕНТЛАР** – бу витаминлар ва минерал моддалар ўсиш ва организмнинг ривожланиши учун ниҳоятда зарур озуқа бўлиб, улар касалликлар ва атроф-муҳитнинг нохуш омилларидан ҳимоя қилади, инсон организмининг барча ҳаётий функцияларини амалга оширишда иштирок этади. Ўқувчилар емагининг кундалик рационига микронутриентлар етарли миқдорда мавжуд бўлган озуқа маҳсулотларини киритиш зарур.

**Мактаб ёшидаги бола углеводларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаши учун ҳар куни қуйидаги маҳсулотларни истеъмол қилиш керак:**
**нон 215-335 г.;**
**ёрма ва макарон маҳсулотлари 45-60 г.;**
**картошка 130-225 г.;**
**сабзавотлар 340-455 г.;**
**янги мевалар 250 г.;**
**шарбат 150-200 г.;**
**қанд 65-70 г.**
**қандолатчилик маҳсулотлари 15-20 г.**

**Витаминлар.** Болаларда витаминларга эҳтиёж ошган бўлади. Чунки витаминлар жисмоний ва ақлий иш қобилиятини оширади, организмнинг ҳар хил касалликларга чидамлилигини кучайтиради. Ҳозирги кунга келиб жами 13 та витамин маълум бўлиб, уларнинг ҳар бири инсон организмида ўз вазифасини адо этади. Камдан-кам ҳолларни ҳисобга олмаганда, одам учун ўрнини алмаштириб бўлмайдиган бу моддалар организмда ишлаб чиқарилмайди, шунинг учун улар ташқаридан (овқат ва махсус дори воситалари билан) тушиши керак.

Болалар озуқаси ўсиш жараёнларига таъсир кўрсатадиган витаминларнинг алоҳида ўрни бор. Уларга асосан А витамини (ретинол), Д витамини (кальциферол), Е витамини (токоферол)лар киради.

Ўсиш жараёнига, шунингдек, бола организмининг В гуруҳидаги витаминлар билан таъминланганлик даражаси ҳам таъсир қилади. Иммунитетни ошириш ва касалликларда чидамлиликни кўтаришда юқорида санаб ўтилган препаратлар билан бир қаторда, С витамини ҳам ғоят зарур.

А витамини иккита шаклда бўлади: ҳайвонот маҳсулотларидаги ретинол (сут, тухум, жигар, балиқ мойи ва ҳ.к) ва А провитамини биологик жиҳатдан фаол модда ҳисобланиб, ўсимлик маҳсулотлари (зарғалдоқ рангли сабзавот ва мевалар, барглари тўқ яшил сабзавотлар) таркибида бўладиган бета каротин. Д витамини балиқ мойи, жигари, сут, тухум ва сариёғда, Е витамини эса ўсимлик ҳамда ҳайвонот маҳсулотларида, шунингдек, дон-дунларнинг куртакларида (буғдой, дуккаклилар, жавдар, маккажўхори), кўк сабзавот ва ўсимлик мойларида каттагина миқдорда бўлади.

**Дилором АҲМЕДОВА,**
**Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.**

**(Давоми бор).**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам*

# ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

*10-жадвал*

**Кўкракдаги оғриқнинг клиник таснифи**
**(Guidelines on the management of stadle angina pectoris. Eur Heart J. 2006)**

| | |
|---|---|
| Типик стенокардия (аниқланган) | Қуйидаги учта белги билан намоён бўлади:<br>1. Кўкрак тўш суяги ортидаги оғриқ ёки ноҳушлик (дискомфорт).<br>2. Жисмоний зўриқиш ёки руҳий-эмоционал стресс билан боғлиқлиги.<br>3. Дам олишдан ёки нитроглицеринни тил остига қўйгандан кейин 5-10 дақиқа давомида ўтиб кетиши. |
| Атипик стенокардия (эҳтимолий) | Юқорида баён этилган аломатларнинг фақат иккитаси мавжуд. |
| Юрак билан боғлиқ бўлмаган кўкракдаги оғриқ | Юқорида баён этилган аломатларнинг бири мавжуд ёки ҳеч қайсиси йўқ. |

